

Адабиёт илми назариясининг муайян бир янги давр адабий жараёни натижалари сабаб бўлиб юзага чикадиган вазифаларидан ташкари яна шундай доимий долзарб юмуш-муаммолари бўладики, улар тадқиқотиға ҳам одиллик, самимият, ойдинлик, теранлик бахш этилмаса, маълум тушунча ёки тасаввур талкинида бирёкламалик, чекланиш, чалкашиш, маҳдудлик кучайиб кетади. Омма тасаввурини бузади, чалгитади. Тарихан санъаткорона сўзи кенг жаҳонга ёйилган, овоза микёслари ўзига яраша ўзбек шеърятининг лирик кахрамони, шоирларининг «мен»лари билан боглик талкиний муаммолар ҳам тамойиллари ислохоотталаб тармоқлардан бири бўлиб келаётир. Адабиётда ҳукмрон тазйиклар устуворлиги замонида унинг талкин-тадқиқини ҳам зўравон мафкура мажбурияти бошқарган. Тузум адабиётшуносликка шўроча колип ясаб берган. Аввало, бадий ижод шу махсус колипга куйилиб пишитилиши, сўнгра назарий-мафкуравий жихатдан маъкулланмоги учун адабиёт илмининг ўшандай мезоний колипиға яна бир бор солиб кўрилмоги жоиз бўлган. Эркисизлиги кўп бўлган ўша маъшум кечмишни факат кораловлар билан хулосалаб кўя колиш етарли эмас. Уни эндиликда тажриба-надомат билиб, рўй берган хатоликлардан асраниб юриш керак.

Сўз санъати Аллохнинг бандаларига берган илохий, бебаҳо маънавий неъматларидандир. Айникса, ижодкор учун унинг юки, масъулияти жуда огир ва шарафли. Бу масалада исломнинг мезонларни ўргатувчи ҳамда ботилдан кайтарувчи ўнлаб далиллари, кўрсатмалари мавжуд. Илохийга дахлдор бўлмаган ҳеч бир ботиний ёхуд зохирий ходиса йўқ, инчинун, сўз ижодкорлиги ҳам гайбдан келувчи қисмат. Масалан, «жаноби расулulloх саллолоху алайхи васаллам дер эрдиларки, Аллох таоло... (Хассонга) рухул Куддус воситаси ила мадад берур» (Абу Исо Ат-Термизий. Аш-шамойил-ан-набавийа-Пайгамбарнинг алохида васиятлари. Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1993, 66-бет).

Алишер Навоий ҳар сўз, ҳар фикр ва асар бунёдга келишининг илохдан эканлигини бирор дақиқа бўлсин унутмайди. Буни кўп холларда шеърини эътироф этади. «Лисон ут-тайр» достонида шундай мисралар бор:

Балки кудси рухининг гўё куши,
Арш боғидин келиб кўнглум туши.

«Лирик кахрамон» дейилганда мавжуд шеърятининг кузатилишидан тасаввур ва тафаккур қилинадиган шоир сиймоси-сийрати назарда тутилади. Шоирнинг борлик ҳамда инсон мохиятини, воқеа ҳамда рухиятни идроклаш тарзи, услубий хосликлари, янгича фикрлари, буларни тақдим этишдаги жозиба даражаси сингари зарурий тамойиллар шу тушунчанинг маъно камровига қиради.

Лирик кахрамоннинг намоён бўлиши, асосан, унинг «мен» и воситасидадир. Бу I шахс бирликдаги кишилиқ олмоши шеърини нутқда бевосита йўсинда кўпроқ, бавосита йўсинда эса камроқ фаолият кўрсатади. Бевосита кўринишдаги «мен» ифодасини ошқор, бавосита хисланадиган «мен»ни яширин адабий ходисалар сифатида тушунилса, хато бўлмайди. Ҳар холати айрича-айрича эмас, яхлитдир ва лирик кахрамонникидир. «Мен»

олмоши —кўпмаъноли. Турлича хислатларига караб «биз», «сиз», «сен», «у» каби бошка олмошлар хиссиётини бера олади.

Шоир шеър сюжети талкинини тўғридан-тўғри ўз шахси номидан, ўз тилидан рўёбга чиқарса, бундаги «мен»нинг мавқеи, албатта, яққол, очик-ойдин идрокланиб туради. Аммо ўзга инсон, ўзга предмет, ўзга яратик ва хилкат тили ва нуктаи назаридан битилган ёки шулар ва бошка кандайдир ходисаю кечинмалар хусусида «бетараф» ёзилган тасвирларда «мен» ўзининг ижоддаги мавқеини асло йўқотмайди. «Мен» ўзини ўқувчига хамиша хислатиб туради. Унинг кучи, салохияти, таъсирчанлиги, қуввати эса бошка масала.

Умуман олганда, поэтик коида-конуниятларнинг, шеърият масалаларининг лирик қахрамон «мен»ига алоқадор бўлмайдигани топилмайди. Маълум бир шеъриятнинг исталган жихати тадқиқи ҳам «мен»ни синчков кузатиш, ўрганиш билан бўлади. «Мен»га доир ҳукм-хулосалар — лирик қахрамонга, демакки, шу шеърият, унинг ижодчисига баҳо. «Мен» билан, унинг баён этиш манераси билан танишув ва «мулоқот», шунингдек, уни илмий-назарий тадқиқ этиш адабиёт илмида доимо долзарб, ахамиятли иш саналган.

Айрим олимларнинг баъзи-баъзида айтган: «лирик қахрамон шоирнинг ўзи эмас» кабилидаги фикрлари ўта нисбийлиги боис шеърият мухлислари ва илми адаб ахлини ҳеч ишонтира олмаган. Кескин эътирозлар пайдо қилган. Тўғри, шеър «мен»ини хамиша муаллиф «мен»и, шеърдаги бошка образ хислари ҳамда карашларини, қилик ва қилгиликларини шоирнинг шахсий белгилари деб бўлавермайди. Бирок бундай вазиятларда ҳам асар услуби, пафоси, автор позицияси орқали ботиний намоён бўлувчи, хисланувчи бавосита «мен»нинг мавжудлигини рад этиб қўймаслик зарур.

Адабий тур ёки жанр ўз қахрамонини, қахрамон ўз адабий тур ёки жанрини танлайди деган нақл бежиз эмас. «Мен»нинг лирика оламида ўз ҳукмрон мавқеи билан мунтазам собит қолишига, унинг услубга караб ранго-ранг хосликлар билан кўзга ташланишига, энг муҳими, «мен» адабий турнинг ўз конуний тақозоси эканлигига шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳар қандай адабий тур таърифидан унинг «мен» ига, ҳар қандай «мен» таърифидан у мансуб адабий турга хос хусусиятлар ҳамоҳанг, уйғунликда баён этилади.

Яъни: «Ҳар бир ташки ходисадан аввал тилак, орзу, ният, ҳуллас — фикр тугилади; ҳар бир ташки ходиса ички, яширин кучларнинг фаолияти натижасидир: поэзия (адабиёт—Т. Ш.) воқеанинг мана шу иккинчи, ички томонига, бу кучларнинг туб негизига қириб боради, ташки реаллик, воқеа ва ҳатти-ҳаракат ана шу кучлардан ўсиб чиқади... Бу-субъективлик салтанати, бу ички дунё, ўз ичида қолувчи ва ташқарига чиқмайдиган ташаббуслар дунёсидир. Бунда поэзия ички элементда, туйғу ва онг доирасида қолади; бунда руҳ ташки реалликдан ўтиб яширинади, ташки олами ўзида акс этдирган ички ҳаётнинг мислсиз жилваларини поэзияга ҳадя қилади. Бунда шоирнинг шахсияти биринчи ўринда туради, биз ҳамма нарсани фақат у орқалигина қабул қиламиз ва англаймиз. Бу лирик поэзиядир» (В.Г. Белинский, «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» — Ойбек таржимаси).

Бадиий адабиётнинг бошка турларида ҳам ижодкор «мен»и бор. Одатда насрий асар

муаллифининг «мен»и адабиётшуносликда айнан шеъриятдагидек кузатилмайди. Масалага бошка тарафдан мурожаат килинади. Бунга бир жихатдан айна адабий турнинг табиати, характер-кайфияти сабабдир.

Яъни: «Поэзия (адабиёт—Т. Ш.) идеянинг маъносини ташки кўринишда ифодалайди ва маънавий оламни бутунлай аниқ, пластик образларда уюштиради. Бунда ҳамма ички маъно юзага чиқади ва бу икки томон —ички ва ташки томонлар —бир-биридан айрим холда кўринмайди, бироқ бевосита жам холда олганда улар аниқ реалликни — воқеани гавдалантиради. Бу ерда шоир (ёзувчи —Т. Ш.) кўринмайди; пластик —муайян дунё ўз-ўзидан тараккий этади, шоир эса ўз-ўзидан вужудга келган ходисанинг факат хикоячиси бўлиб қолади. Бу эпик поэзидир» (В.Г. Белинский, «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши»),

Турлар таърифлари билан муаллифлар «мен»ларининг тушунтирилишларида ўзаро мувофиқлик, муносиблик ва тақозовийликдан четлаб ўтиб бўлмаслигини драматик адабий турга нисбатан ҳам бемалол айтиш жоиздир. Алхосил, лирик «мен» ўз адабий турининг табиати талабларига кўра аксарият холларда ровий иуктаи иазари, гоёлари, асар пафоси орқали ботиний киёфланиб, аксарият холда бевосита идрокланади; драматик «мен», драматургнинг воқеаларда иштироки ва уларга муносабат билдириши янада (деярли батамом) чекланиши боис, худди насрдагидек асар қаърида яшириниб туради, таассуротлардан англашилади; насрдаги «мен» хаётни бадиий акс этгириш тамойилларининг тадрижга баробар ўзлигини танитиб боради; эпик «мен» ва драматик «мен»лар янада чуқур ва ўзига хос логик идрокларни талаб этади.

«Роман ва повестда тасвирланаётган кишилар авторнинг ёрдами билан харакат киладилар, автор ҳамма вақт улар билан бирга бўлади, у китобхонга роман қахрамонларини қандай тушуниш лозимлигини айтиб туради, яширин фикрларни, одамлар харакатининг махфий сабабларини тушунтириб туради, кайфиятларини табиат ва шароит тасвирлари билан бўрттиради ва, умуман, ҳамма вақт уларнинг жиловли автор максадига мувофиқ тутиб турилади, автор персонажларнинг хар бир харакати, сўзи, иши, муомаласини бемалол ва кўпинча китобхон сезмайдиган даражада усталик билан ўзича бошқаради. Бу билан у романдаги кишиларнинг бадиий жихатдан аниқ ва ишонарли чиқиши учун хар тарафлама гамхўрлик килади» (А. М. Горький).

Илмда «мен»лар муаммосини фундаментал, давомли кузатиш учун масалаларни яна лиро-эпик «мен», хар хил «мен»лар мохиятининг муқоясаси, турли «мен»ларнинг бир ижодда зухур бўлиши тарикасида кўйиб тадқиқ этиш, бизнингча, кизик, марокли, фойдалидир.

Наср ижодкорининг тасвир аро, сюжет мобайнида «мен» сифатида киёфланиши ҳам бавоситалик ҳамда бевоситалик йўсинларида юзага чиқади. Албатта, насрий асарларда ташки олам воқеа-ходисоти, турфа қахрамонларнинг ўзаро муносабати аниқ тимсоллар харакати воситасида хикояланаётгани сабабли ёзувчи «мен»и кўпинча зимдан англашилади. Бевосита «мен»га эса, шеъриятдагидан фаркли ўларок, камдан-кам намуналарда дуч келамиз. Насрий асар агарда бош ёхуд асосий бирор қахрамон (эхтимол, муаллифининг ўз кечмиши) тилидан хикояланган бўлса, бевосита туюлган бу

«мен» бавосита «мен» бўлиб чиқиши мумкин. Аммо мантикан разм солинса, бундай усулда ёзилган хикоя, кисса, романларда ҳам «мен» мавжуд бўлади.

Ўнлаб сўз санъаткорлари бир неча адабий турларда, турларнинг турли жанрларида ижод этишган. Ҳам шоир, ҳам носир бўла олганлар тажрибасидан «мен»ларнинг намоён бўлиш тарзидаги аксар хусусиятларнинг жанрлар табиати ҳамда имкониятларига бориб тақалишини пайкаш мушкул эмас. Шунингдек, икки-уч, уч-тўрт адабий тур адибларида бир жанрдаги мавзулар, гоёлар, маслаклар ва бадиият борасида кўринган фазилатларнинг тамом бошқа жанрларда битилган асарларига жозибалар уфурганлиги кўзга ташланади. Навоий «Лисон ут-тайр» достонида тахаллус хақида фикрлаб, форсийча ижодига доир «Фоний» тахаллусининг бу ўзбекча асарида кўлланиш асосларига лирик чекиниш воситасида шарҳ битар экан, шоирнинг ўз ижодида ўз мухри бўлишига шундай сермаъно ишорат қилади:

Ўйлаким, хар кимса неким килгуси,
Баъзи ишта бор онинг бир белгуси.
Ким ўзи тахсисига имлодур ул,
Мухри ё тавкиъ ё тамгодур ул.

«Мен»ларнинг турлар талаблари туфайли хосил бўлувчи алоҳида хосликларига ҳамда фаркланувчан турларда баравар ижод этган адибнинг услубидаги уйғунлик, муштаракликларга тарихий ва замонавий адабиётдан истаганча мисоллар келтирмоқ мумкин.

Бугунги китобхон авлодлар, масалан, Навойдан кейинги энг санъаткор адиб Бобур эканлигини, унинг ҳам назм, ҳам насрда нечоғлик махорат кўрсата олганини яхши хис этадилар. Бобурнинг ўз услубигагина хос кирралар ўқувчига бу ижод билан танишиб чиқиш жараёнидаёқ тез аён бўлади. Айни пайтда мазкур хосликлар адабий илм тадқиқотларида кўп бор далилланиб таҳлил этилган.

Хар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни.

Бобур назмига мансуб хусусиятлардан биттаси хасби хол охангидаги, ўз ахволоти хақидаги лирик чекинишларида бўлса, яна бири катор машхур шеърларида аниқ хаётий ходиса, кечмишининг мохияти акс этганидир. Албатта, шоирликда шундай йўл тутишликнинг, ўз воқелиги турткиларига берилиб кетишликнинг махдудликдек, ўзгаларга дахлдорлик фалсафасини юзага чиқара олмасликдек инкирозга элтувчи хавфли томонлари бор. Бобур эса кўрмишларига муносабатларидан катга умумлашма фикрлар чиқариб, буларни юксак поэтик махорат билан тақдим этади. Бу усул ва мақсад йўлида хаттоки ўз хато, қусур, армонларини яширмай, ошкор калам тебратадики, бу хол лирик кахрамон «мен»ининг хаётийлик ва жозибат кувватини оширади. Хусусан, катор газалу рубоийларида муайян хаётий туртки-илхомларнинг канчалик самарали натижалар берганлиги сир эмас.

Толеъ йўки жонимга балолиг бўлди,

Хар ишники айладим, хатолиг бўлди.
Ўз ерни кўйиб, Хинд сори юзландим,
Ё, Раб, нетайин, не юз каролиг бўлди.

Худди шунинг сингари услубий хосликлар ўзбек насри тарихининг гултож намунасига айланган мемуар «Бобурнома»га кўркам фазилатлар бўлиб кўчади. Асар фасохатида «мен» устувор бошқарувчилик мавкеида туради. Бирок у, яъни «мен» ўз тарғиботини оширишни асло назарда тутмайди, китобхон диккатини факат ва факат воқеалар тафсилотининг рўй-ростлигига ҳамда уларнинг тўғри идрок этилишига каратади. Шу мақсад масъулияти ўзлигидаги инсоний кусурларни-да фош этишга мажбурият юклайди. Оқибатда «Бобурнома» «мен»и ўқувчини ўзига оханрабодек яқинлаштиради. Унга дарддошлик, хамнафаслик, мухаббат уйғотади.

«Якшанба куни мухаррам ойининг ўн олтисида иситтим, титрадим, навбат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга тортти. Доруйи кор ичтим. Охир басит ярашти, уйқусизлиг ва ташналигдан бисёр ташвиш торттим. Бу мараз айёмида уч-тўрт рубойий айтилди. Ул жумладин бири будур:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин ўчадур уйқу, чу охшом бўладур.
Хар иккаласи гамим била сабримдек,
Боргон сайи бу ортадур, ул кам бўладур».

Воқеалар тафсилоти мобайнида ижод хусусидаги яна бир лавҳа келтирилиб, шоирлардан бирининг: «хар кандай ноз-карашмачининг мухаббатини нима килсин киши, сен бўлган жойда бошқани нима килсин киши» мазмунидаги байти шоирлар суҳбатига — бадихаўйлигига сабаб бўлгани хикоя қилинади. Табъи назми бор хар шоир тезкорлик билан бадиха тўкиб, хазил-мутойибани киздиради. Хазил тарикасида Бобур ҳам бир ботил бадиха — байт айтиб, сўнгра ўзи ичдан пушаймон қилади. Бир неча кундан сўнг оғир хасталик азобини тортиб, буни ўшал гуноҳининг жазоси деб билади:

«Мундин бурун яхши ва ёмон, жид ва хазл харне хотирага етса эди, мутояба тариқи била гоҳи манзум бўлур эди. Хар нечук қабих ва зишт назм бўлса марқум эди. Бу фурсаттаким, "Мубаййин"ни назм қиладур эдим, хотири фотирга хутур этти ва хазин кўнгулга мундок еттиким, хайф бўлғай ул тилдинким, мундок алфозни дарж қиғай, яна фикрини қабих сўзларга харж қилғай ва дариг бўлғай ул кўнгулдинким, мундок маоний зухур этғай, яна зишт ҳаёллар анда хутур этғай.

Андин бери ҳажв ва хазл шеър ва назмидан торик ва тоиб эдим. Бу байтни айтур маҳал асло хотирга етмади ва бу маъни харгиз кўнгулга хутур етмади.

Бир-икки кундин сўнг Бигромда тушганда резандолик бўлуб иситтим. Бу резандалик сурфага мунжар бўлди. Хар йўталганда кон тукурур эдим, аксар иситма бўлди, билдимким, бу иситма қондиндур ва бу ташвишни қилгандин...

Не қилайин сенинг била, эй, тил,

Жихатингдин менинг ичим кондур.
Неча яхши десанг бу хазл ила шеър,
Бириси фахшу бири ёлгондур.
Гар десанг куймайин бу журм била,
Жилавингни бу арсадин ёндур.

...Яна бошдин истигфор ва эътизор макомида бўлуб, бу навъ ботил андешадин, бу йўсинлик нолойик пешадин кўнглумни тандуруб, каламни синдурдум. Ул даргохдин осий бандаларга бу навъ танбихлар давлатедур азим, хар банда хамким, мундоқлардин мутанаббих бўлгай саодатедур жасим...»

«Бобурнома»да хикояланмиш ботил хазил-мутойиба аралаш бахру байт лавхаси лирик кахрамон ёхуд эпик кахрамоннинг жонлилик, ишончлилик маромини таъминловчи омиллардан бири сифатида эслаиди. Омиллар эса кўп, ижодларнинг хосликлари текшириб борилса, уларнинг ранг-баранг тарзларига гувоҳ бўласиз. Ва лекин мазкур лавхада ҳам, юксак жозибани хосил қилгувчи ўзга ҳамма йўсинларда ҳам масаланинг ўта мухим бошка томони диққатни тортади.

Шуаронинг соф шеърият сархадидан чиқиб, бепарда бахсга огишуви воқеасидан сўнг, бунга ўзи ҳам шерик бўлиб, беҳаёрок байт тўқиганидан сўнг шоир Бобурнинг —носир Бобурнинг каттик пушаймон бўлиши, виждонан қийналиши, оқибатда вужуди азобли хасталик кўриши «мен» сохибининг ийманий изтироблари, сўзга масъуллик бобида Яратгандан кўркуви, хижолати эди. Бобур тилга, сўз айтишга эҳтиётсизлик қилганидан афсус қилиб, бу борада эътиқоддаги йўриқни, мезонни, кўзга кўринмас, аммо муқаррар мавжуд ҳаққоний сир—хикматни чуқур ҳислайди. Ўз хатти-харакати сабаб бўлиб, Аллох қонунининг тасдиғини яна бир бор идроклайди. Тилдан шу йўсин номувофик фойдаланиш — гуноҳи азим, уни ҳаёти дунёда хайрли ишлатиш — саодат. Ботил сўзлар ёзадиган калам синдиришга, тиндиришга лойик. Хикояси орқали Бобур ўзга калам сохибларини ҳам сўз йўлидан тўғри юришга, ҳақиқатдан огоҳ бўлишга чақиради. Покдамон шеърият санъати, покдомон лирик кахрамон муқаддас сўз неъматидан ўткинчи дилхушлик учун, ботил ва харом ифода учун фойдаланишни хушламайди. Айниқса, ва биринчи навбатда, бадиий сўз ижодкорлигининг шу жихати барча талабларнинг олийсидир.

Ўз «мен»ини кашф этмоқда бўлган шеърият йўлларининг захмати, риёзати кўп ва мушкул. Йўлларнинг барчаси ҳам машаққатгалаб сўкмоқлардир. Йўлини адашмай тополган «мен» эзгулик тараккийсига нечоғлик улуш қўшади? Овози қай ҳудудлар қадар этиб боради, қанчалик эътироф этилади? Миллат номидан жаранглай оладими? Умуминсоният маданиятининг тарихий қарвони уни ўз сафига қабул қиладими?

«Биз янги авторнинг бадиий асарини ўқиётган ёки мушоҳада қилаётганимизда қалбимизда пайдо бўлувчи асосий савол ҳамиша шундай: Қани, сен қанака одамсан? Ва мен биладиган барча одамлардан ниманг билан ажралиб турасан ҳамда ҳаётга қандай қараш кераклиги ҳақида менга қанака янги гап айта оласан? Агарда у бизга аввалдан таниш ёзувчи бўлса, энди сен қанака одамсан деб суриштириб ўтирмай, бошқачароқ тарзда:

Кани, менга сен яна канака янги гап айтасан? Хаётни сен менга кайси томондан очиб берасан? деймиз» (Л.Н. Толстой).

Танилган «мен»ни хам бу йўлда жидаий синовлар кутади. Кашф этилган ёник «мен» йўл доволларида маънавий эхтиёжбоплик даражаси, салохият ва жозибасини бўшаштириб кўймайдими? Ёки кибру хаво, магрурлик, шон-шухрат майлига берилмайдими? «Мен» манманга айланмайдими? Кувватини номухим, бевафо мавзу-гояларга, ботил эхтиросларга совуриб, «умри»ни исроф этмайдими?..

Адабиётшунослик илмида лирик кахрамон муаммоси, айтиш мумкинки, диккат-эътибордан ҳеч қачон тушмаган. Бир пайтлар мумтоз адабиёт намояналари лирик кахрамонларини таҳлил этиш мажбурий мафкура буйругига кўра ёлгонга ёки бир ёкламаликка, кўз бўямачиликка ёки хаспўслашга, тушунмаслик ёки тан олмасликка бошлаган бўлса, масалага чиндан ёндошмоқ замони келиб, муносабатлар ўзгарди.

Шундайин хатолардан бири «диний» ёки «дунёвий» деган тушунчалар билан боглик. Баъзилар буларнинг нисбий эканини унутиб, диалектик тушунчаларни бир-бирига қарши қўйгани, бир ижодни парчалаб, буниси дунёвий, буниси диний деб хулосалагани, Навоийлар шайхни коралаган деб, шоир диндор эмас, динга қарши, атеист деб талкин этганлари (вахоланки, Навоий шайхликни, шайхларни улуглайди хам) маълум. Ёки Яссавий кораланиб келгани-чи? Яссавий гох-гоҳ зоҳид-шайхларни коралаб: «Эшон, шайх, хўжа, мулло дунё излар, Ул сабабдин подшоҳларга ёлгон тузлар, Оят, ҳадис сўзин қўйиб мўлни кўзлар, Хак йўлида харгиз меҳнат тортқони йўк» — деса-да, бунда динни, диндорларнинг мартабаларини танқид қилишни мақсад этмайди, балки ўз эътиқодларида буюрилган тартибларга амалда риоя қилмовчи, шахсий манфаатларига берилиб кетаётган дин амалдорларинигина фош этади.

Табиийки, тазйик тақозасига бўйсуниб, лирик кахрамон тушунчасини тўла-тўғри идрок этиб бўлмас эди. Хатто муайян адиб ижодини, чунончи, Яссавий шеърятини нисбий равишда диний-исломий деб қаралганда хам, ундаги қучли ички дунёвийликни унутмаслик, Навоийга дунёвий деб қаралганда хам ундаги қизгин динийликни эсдан чиқармаслик керак. Колаверса, динийси хам, закий дунёвийлик хам Аллоҳники, унинг йўлидир. Бизнингча, масалани шу йўсинда қўйиш руҳиятга, қалб фалсафасига йўл очади.

Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг лирик кахрамони борасида хам нотўғри идрок ва талкинларнинг юзага чиққани сир эмас. Мустақилликка яқин қолган бир неча йиллар ичида ва кейин Хамза, Х. Олимжон, Г. Гулом, Ойбек каби атоқли ижодкорлар асарларига, улар лирик кахрамонларига нисбатан бирёклама ёндошувлар бўлди. Баъзилар уларни шўро замонида қандай талкин этишган бўлса, шу йўналишга «содик» қолдилар. Баъзилар ховликма танқид йўлига ўтиб, баъзи ижодларни сўз санъатининг ўзани, доирасидан ташқарига итқитиб ташламоқчи бўлишди. Танқид деймизми, тўғри ўрганишга ўргатиш деймизми, бегазаб ва бегараз бўлмоғи шарт. Эраминдан уч минг йил аввалги антик даврнинг «олтин мўътадиллик» қоидадини ҳеч бўлмаса эсдан чиқармаслик, буни хам тўғри ҳисламоқ зарур. Хўш, алгов-долгов, мураккаб йўлларда юриб ёзилган Ойбек шеърятини, умуман, лирик кахрамон деган адабий-назарий тушунча бўйича, хусусан эса шоирнинг ўз ижодидаги унинг «мен»и бўйича қандай манзараларни

намоён килади?

Биринчидан, Ойбек шеъриятининг лирик кахрамонини унинг шеърлари белгилаши, тўла-тўкис киёфалантириши шубхасиз. Шеърият Ойбек учун мукадаас, илохий бир захмат. Гўё беҳад севимли ёр. Ёзмаса бўлмаслик лирик кахрамонининг кон-конига сингиган. Шеърият унинг учун «буюк севги»дир. Гам эмас, дард. Ааззат эмас, завк. Мафкура ва гоёгина эмас, санъат. Шеърият кўпинча унинг самимий севгилиси, ёри. Бу севгилининг «Хар сўзида куёш табассум килади»:

Кўп ойлар колсам сендан узокда,
Эй, санъат, оташинг ёқар кўксимни;
Уйкусиз тунларни кечирган чоғда
Конимга кирмишсан, эй, буток севги.
Порлайсан абадий, олтин машъала,
Сендадир гўзаллик, хакикат, хаёт.
Хар жилва очади янги манзара,
Сен билан анланур бутун коинот.
Эй, санъат, богчангда мангу колайин,
Олтин найларингни тинмай чалайин.
(«Санъат ишки», 1930)

Хуллас, чинакам шеърият богига кириб борасиз. Бу богнинг хилма-хил мевали, серхосил дарахтлари—унинг мавзулари. Хаммаси юксак мухаббат чашмасидан сугорилган. Богбони — лирик кахрамони—туйгулари ажиб ва самимий, эхтирослари кайнок ва тошкин, хаяжони захматкаш, яратувчан. Бу чашмадек мухаббат шу кадар кучлики, шоир ёзади:

Мухаббатим баъзан чайкалиб,
Вужудимни солар ларзага.
Гўё бир куч кўкка кўтариб
Урар мени бир тош марзага...

Мунча ишким кайга сигади?
Хаммаси хам рухим ичида,
Бир чайкалиб унга киради,
Рухим тутар зўр чидам ила.

Ойбекни кўпчилик олимлар ва адиблар хаяжонлар, туйгулар шоири деб бежиз айтишмайди. У хаяжонлари, туйгуларини ўткир аклий салохияти, кучли эрудицияси билан уйгунлаштириб юборади. Лирик кахрамони «нозли япроқлар куйлаган чоғда Тотли сирларга» ботади. Дили «кенг хаёллар»га богланади. Нозли япроқлар нималардир деганини хис этади, калби ёнади. Улуг ерни кучиб ётади. Шу боис лирик кахрамон «Кўнгил фалсафасига сажда киламан» дейди:

Бошимда олманинг хушбўй ок гули...
Улуг ерни кучиб ётибман уйгоқ.

Кулочим етмаса, калбим етгуси,
Инсоннинг калбига куёш жинчирок.
(«Кўклам хислари»)

Ойбекда мавзулар микёси катта. Шеърятининг йўли олис-олислардан келиб, узок машаккатли, мураккаб йўлни босиб ўтади. Бадиий махоратнинг очик, яширин сир-асрорига дуч келасиз. Адабиётшунослик, тилшуносликнинг, филологик илмнинг эътиборидан четда қолиб келаётган тадқиқ муаммолари борки, Ойбек шеърятини кўп холларда мисраларидаги товушлар қуввати билан-да шундай кам ўрганилган муаммолардан бирини эслатиб туради: шеърдаги махорат маромлари, таъсирчанлик ундаги товушлардан, товушларнинг маъно товланишларидан, охангидан бошланади. Бобурнинг «Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна» мисраида кариндош товушларнинг нечоғлик ҳамкорликда юксак жозоба ҳосил этганини идрок этиш қийин эмас. Ойбек лирикасида ҳам «мен»нинг шу йўналишдаги санъаткорлик намуналари кўп:

Ўзга дарднинг хаттоки гарди
Кўнса, гавдам эгарди зарби,
Майли, ошсин хар он шоирда
Сен бахш этган севгининг дарди...

Бир ўлкаки, тупрогида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, кишларида шивиллар бахор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, куёш соғинар...
Бир ўлкаки, гайратидан асаби чакнар...

«Етим хаёл», «ингичка завк» ичра биринчи қор билан гаплашади хаяжон шоири:
«нафасингдан тириклик сесканиб олди». Бахор билан, куёш билан, тунги юлдуз билан сирлашади ва хоказо.

Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!
Бахор, кетма бизнинг боғлардан.
Юртимизда қолмасин дашт-чўл,
Чаман қулсин хатто тошлардан!

деб бошланувчи «Куёш кўшиги» (1937) шеърининг сўнги сатрларига ҳам эътирозлар бўлди. Тўғри, ҳукмрон мафкура тазйик-таъсири Ойбекнинг шеърларида ҳам учрайди. Бевосита дохийга, партияга, мавзолейга, инкилобга бағишланган шеърлари йўқ эмас. Булар ҳам лирик қахрамонга тўғридан-тўғри тегишли. Ва бундай холларни самимият ила тан олиш билангина хар қандай шеърят лирик қахрамонининг моҳиятига тўғри етиб борилади. А. Орипов «Генетика» шеърда ёзганидек: «Мен ҳам яшайпман ўз замонимда, Давримдан қайга ҳам кетардим йирок».

Лирик қахрамон тушунчаси талқини тадқиқотларда, дарсликларда унинг бутун бўй-бастини, жонли салоҳияти — оламини ифодалаб беролмайди. Мавхумлаштириб юборади. Вахоланки, хато, камчилик, ожизлик ҳам лирик қахрамоннинг сифатидир. Ахир, лирик қахрамонни бекусур, энг қомил кўрсатишга ҳаракат қилинар экан, унинг

тимсоли мавхумлашади, сохгалашади. Навоийдай шоири дахо комил бўла олмадим, деб зорланади Ахир, биз гунохкор, хатокор бандалармиз. «Сахву хато башарият лозимидир» (Навоий). Адабиётшуносликда хар кандай хатокор холни кечириниш ва тузатиш осон, факат ижодкорни кечиримли тушунишдан йирокликнинг зарари кўп. Ахир, Ойбекнинг ўзи нисбиятни идроклатади, «юртимизда колмасин дашт-чўл...» сатрига эътироз билдиргувчиларга, шеъриятни тушунча олмасларга баралла жавоб бера олади:

Ватанни сев, тупро-ини ўп,
Хар каричи мукаддас бизга.
Чўлидаги хатго курук чўп
Жондан якин юрагамизга.
Хар бир карич ери, хар тоши
Арзир чукур севги, лапарга.

Ойбек шеъриятининг лирик кахрамонини тўла хис килмок учун бу шеър оламидан бир зум чикиб, унинг наср оламига кадам кўясиз. «Ойбек прозада шоир-у, поэзияда прозаикдир» деб ёзган эди Хамид Олимжон. «Нур», «йўл», «зиё», «шуъла», «куёш» бунда яна ўзгача мафтункор жилваларини кўрсатади. «Уфklar курук тутди Ранг-баранг булутлардан». «Уфklarга кон каби кизил шуълалар югурди. Чикаётган куёшни саломлаб дарахтларда кушлар сайрай бошлади» («Кутлуг кон»).

Насри оламига кириб, шоир шеъриятдан яна шунинг учун миннатдор бўласизки, бу шеърият Ойбекдек улкан прозаикни етиштирди. Лирик кахрамонни кузата туриб, унинг шеъриятдан бошка оламларига кириб бориш мумкин бўлганидек, Ойбек насри ёки бошка ижодларини ўрганганда хам муайян маънода масалага унинг шеъриятисиз киришиб бўлмаса керак.

Ойбек назми лирик кахрамони инжа туйгулари, хаётга, севгига, Ватанга, халкка меҳрибонлиги, ошуфталиги, гохида ожизлиги, имкониятсизлиги, изтиробни билан, бутун дардлари билан ўзлигини намойиш этади. Ўқувчига ошно бўлиб қолади, севилади. Уни чукуррок тушунмок истаги, умуман, адабиёти оламига — насрига, сўнгра таржима дунёсига етаклайди. Лирик шеърларида, «Дилбар давр кизи», «Темирчи Жўра», «Ўч», «Бахтигул ва Согиндик», «Гулноз», «Камончи», «Навоий», «Гули ва Навоий», «Кизлар», «Хамза», «Бобом» каби поэма, балладаларида киёфаланган лирик кахрамон таржималарида-да сизни улугворлиги билан хайратлантиради. У машхур Пушкинга мухаббат кўяди. У хакда шеърлар ёзади. Антик даврнинг нодир ёдгорликларини ўзбекларга танитувга киришади. «Евгений Онегин»ни илк бор таржима қилади. Кейинчалик бундан ўзи каноат килмайди.

«Калбимда давримнинг жарохати бор». Лирик кахрамонни кузатиб унинг хаётига, даврига мухитига кириб келасиз. У яшаган йиллар — мураккаб бир замон. Шоир, ижодкор Ойбек тамоман замонасозликдан «асраниб» (асраниш бошка, кўроклик бошка) яшагандек туюлади. Дохийларга багишланган канча шеърини хатлардан четланиб колгандек. Лекин шуниси аниқки, улар даврдаги ахволни, хакикатни биздан-да яхширок хис этишган. Шайхзода айтганидек, бир яхши шеър чиқиши учун ёнига ўнта «замонбоп» шеър тиркаш керак бўлган. Аслида, шеърият багрига нима сингиб кетишини яхши

билишган. Тўйган чакалок ортикча овкатни оғзидан чикариб ташлайди. Маъсума шеърият хам. Ойбеклар шеъриятининг ўтмиши, бугуни, эртаси уларнинг яшовчан мавзуларида, бадиияти сеҳрида. Калтис вазиятларда яшовчан мавзуларнинг хам айримларида тўғри сўзлаш имконияти кам бўлиши аччиқ хақиқатдир.

Шеърият — инсон ижодкорликлари ичра илохий бир санъат, у олис-олисларни кўради, башоратлар килади. Устоз Ойбек шеъриятида кечамиз, бугунимиз, эртамининг саодати ёғду таратиб тургандек. Ўзбекнинг ойбекона насри, ойбекона алломаси сафида ойбекона лирик кахрамон мавжланиб турибди: «Кечаси... осмонга секин бокаман, Кипригим устида чексизлик ўйнар...»

Салоҳиддин Мамажонов Ойбек ижодиётига бағишланган «Гоя ва образ» маколasiда шундай ёзади: «Борди-ю, ижодкор бир неча жанрда калам тебратган такдирда хам унинг образли тафаккурида — образлар оламида муштараклик бўлади. Шунинг учун турли жанрларда ижод килаётган ёзувчининг ўзига хослигини, ўзига хос услуби, овози, киёфасини ёритмокчи бўлинганда унинг ижодини яхлитлигича, бир бутунлигича олиш, текшириш ва баҳолаш керак» (Ойбек ижодий методи ва бадиий махорати. Т., «Фан» нашриёти, 1985 й., 40-бет).

«Автор образи» факатгина асар доираси билан чекланиб колмайди, балки у асар каратилган китобхон билан алоқада бўлишга интилади. Асарни китобхон кандай кабул килади, кандай тушунади ва баҳолайди каби масалалар «автор образи» учун муҳимдир. Агар биз бадиий асарни ўзича яхлит олам деб карасак, китобхонга шу оламини таништириш, унинг хаққонийлиги хақида тасаввур уйғотишда автор образи — китобхон ва асар ўртасидаги восита. У китобхонни назарда тутган холда воқеликни маълум нуктаи назардан кўради, ифодалайди, хар бир кахрамонга тегишли нагрукка юклайди. Тасвирни баъзан ўз нуктаи назаридан баён килса, баъзан кахрамон нуктаи назаридан кузатади. Шу асосда китобхон диккат-эътиборини тасвирланилаётган воқеа-ходиса, инсоний муносабатлар, фикр ва туйғуларга тортади, «етаклайди».

Яна шуни таъкидлаш лозимки, баён ёки хикоя китобхонга каратилганлиги жихатидан суҳбатдир. Суҳбат бўлганда хам китобхон ўз каршисида ким турганлигини — холис баёнчимни, эхтиросли хикоячимни, кахрамонни бари бир дархол англайдиган суҳбатдир. Мабодо автор тасвирлаётган воқеа-ходиса, образларга, дейлик, тамомила бефарк караган холда, уларга аралашмасдан ифодаласа-да, бу бефарклик дархол кўзга ташланади, чунки китобхон автор унга нимани хикоя килаётганлигига караб хуқк чикариш билан чекланмайди, унинг автори хақида хам тасаввурга эга бўлади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, башарти асарда баёнчи воқеанинг кузатувчиси сифатида намоён бўлса, китобхон унинг изми билан томошабинга айланади. Борди-ю, баён хикоячи, хикоячи-кахрамон сифатида тасвирланилаётган воқеа-ходисанинг иштирокчиси, жонли гувоҳи бўлса, баён характерида кўра китобхон тингловчига ўтади» (Ўрол Носиров, «Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи», «Фан нашриёти» 1981 й., 141-142-бетлар).

«Мен» лирик кахрамондагина баралла, намоёишкорона сарбонлик килади. Бор масъулиятни ўз зиммасига олади. Хар кандай хис, таассурот, фалсафа ва жозоба у оркали ўтади. Ундан фикрчанлик, топкирлик, эхтирос, махорат кутилади. Шеъриятнинг ютуги хам, юткизиги хам унинг шаънигадир. Эпик «мен» масъуллик ва жавобгарликда

гарчанд лирика «мен»идан фаркланмаса-да, тасвирот жараёни мобайнида ўзини тез танитмай турмоги мумкин. Тугал танишув сабрни, вақтни, мутолаа ниҳоясини талаб этади. «Мен» эпик талкинда ҳамма ишни ўзи бажартиб турса-да, саҳифалар қаъридан пинхона боқади. Ўзи содир этаётган воқеаларга, ўзи ҳаракатлантираётган қаҳрамонларга сизда муносабат шакллантириб боради.

Муносабатингиз маромини ҳам кузатиб, сизга гойибона разм солиб туради. Айни пайтда буларнинг барчаси эпик «мен»нинг баҳосини, мавқеини белгилаб, уни энди ошкора танитади.

Халқ ўз нафис адабиёти «мен»ларининг бетакрор, умумбашарий, донишона ва беназир бўлмогини, уларнинг энг гўзал миллий анъаналарни мужассам этиб, тамом янгича доврукли ва хайратбахш юксалмогини, барча замонларга замондош колмогини хоҳлайди. Навоий, Бобур, Огахий, Кодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи, УАзим, Ш.Раҳмон сингарилар «мен»лари мисол хидоятли, баркамол, миллат тимсолларига айлангучи «мен»лар орзуси ижобат бўлгач ҳам, «мен»ларга бўлган умидворлик янгидан яралиб, мудом яшовчи миллий, хузурбахш орзудир.

Тохир Мурмуродов
2000 йил.